



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1995 йил 22 ноябрь, чоршанба • № 92 (10.768)

Эркин нарҳда сотилади

## ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар, қардошлар!  
«Туркистон — умумий уйимиз» руҳи остида ўтаётган улкан анжуманининг ташкилотчилари ва биринчи иштирокчиларини чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат жамоатчилиги вакиллари эзгу ниятлар билан бошлаган саъй-ҳаракатлари бугун ўзининг дастлабки самарасини бергани биз учун гоят қувончли ҳолдир.

Аждодларимиз азал-азалдан бир оила бўлиб, қон-қариндош ва ога-ини бўлиб яшаб келишган. Тақдирлари узвий халқларимизнинг расм-русуми, урф-одати ва анъаналари, бой маданиятлари ҳам муштаракдир.

Туркистон тупроғини яратганининг ўзи ҳам алоҳида меҳр ва ихлос ила бийо қилган, деб айтсақ асло муболаға бўлмайди. Бу заминда камол толган юзлаб буюк эотлар даҳоси бутун дунё маънавияти ва маданиятини чароғон этиб тургани беҳиз эмас. Сиз билан биз буюк алломалар фарзандлари эканимиздан ифтихор қилмоққа ҳақлимиз.

Халқларимиз истиқлол йўлида не-не қўрбонлар бермади. Минглаб фидоий инсонларнинг шу улғу мақсад йўлида тиккан жонлари эвазига биз мана шу кунларга етишиб турибмиз. Демак, буюк истиқлолимиз қад-қиммати тўғри тўшуниб, порлок келажак учун елкама-елка туриб қурашиш ҳақ биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сиз, азиз дўстлар, тарихий бирлигимизнинг тамал тошини қайта қўйиш билан аждодларимизнинг армонларини юзга чиқариб, уларнинг руҳларини шод этмоқдасиз.

Тарихий анжуманинг Марказий Осиё минтақасида ҳам-жиҳатлик ва барқарорлиги мустақамлаш, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равақ топтириш ва дунёга ёйиш сари қўйилган дилдан қадимдир. Бу халқро харакатининг самарадор келажигига мен шахсан қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Сизларга, сизлар орқали барча қардош халқларимизга, тинчлик, орайшталлик, бахту саодат тилайман. Буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида яратганинг ўзи маддор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВ.

## ТОШКЕНТДА ЎТАЁТГАН «ҚАРДОШЛАР УЧРАШУВИ» ХАЛҚАРО ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Тантанали анжуманда қатнашувчи зиёлилар гуруҳларининг вакиллари! Сизларни «Қардошлар учрашуви» халқро қурултойи очилиши билан чин юракдан табриқлайман. Бу учрашув бўлажак буюк ишларнинг дебочаси эканига ишонаман.

Тақдир бир, тарихи бир халқларнинг адабиёти ва маданияти, илм-фани ҳам ўхшаш бўлиши азалдан маълум. Чунки элни эл билан, халқни халқ билан боғловчи маънавий куч — мана шудир. Айнақса, ҳозирги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий қийинчиликлар даврида қардош халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстлик катта аҳамиятга эгадир. Бу йил Алматида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари ўтаётган кезларда кўтарилган ташаббус бугун Тошкентда ўз ифодасини толгани қувончлидир.

«Қўлчиллик кўтарган юк енгил бўлади», дейди доно халқимиз. Азалдан қон-қардош, туғишган беш халқнинг адабиёт, маданият, илм-фан арбоблари биргаликда иш юритиб, қардош халқлар ўртасида асрлардан буён давом этиб келётган маънавий алоқаларни кучайтириб, уни янада юксакликка кўтарди, деб умид қиламан.

Қурултойингиз яхши ўтишига тилақдошман.

Қозоғистон Республикаси Президенти  
Нурсултон НАЗАРБОВ.

## ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли Туркистон халқлари маданияти форуми биринчи қурултойи қатнашчилари!

Қадрили биродарлар!  
Қирғиз халқиде «Қўлдаги бармоқлар бошқа-бошқа бўлгани билан бир билакка бириккан» деган нақл бор. Шу каби, биз, Туркистон халқлари бир неча мамлакатда яшасак ҳам, тўпланиб, бир билакка бириламиз. Бизнинг маданиятимиз азалдан яхлит маданият сифатида бутун жаҳонга танилган.

Сизлардек таниқли маданият ва санъат вакилларининг Тошкент шаҳрида катта форумни ўтказишга бош қўшгани мен учун ўзгача маънога эга. Бу форум орқали сизлар халқларимиз бирлигини, элларимиз иноқлигини намойиш этмоқдасиз. Зотан сиз, яратган кўркам ижод намуналари ҳам бу ҳақиқатни доимо исботлаб туради.

Илдизи теран Туркистон маданиятини ўзларининг муштарак маданияти деб биладиган халқларни бирлаштиришдек эзгу мақсаднинг бизни қувонтиради, албатта.

Дунёдаги кўп улқаларда ана шундай кўркам ижодни, маданиятни юксалтириш орқали иқтисодий-ижтимоий масалаларда муваффақиятга эришилган. Бошқача айтганда, иқтисодиёт бўлмаса, маданият бўлмайди, маданият бўлмаса, иқтисодиёт ҳам бўлмайди. Демак, сизларнинг ушбу қурултойда бошлаган ҳаракатингиз изланиш йўлидан бораётган ёш мустақил мамлакатларни сиёсий-иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқишга ҳам ҳисса қўшади деб умид қиламиз!

Қурултойингиз кўтлуг бўлсин, Туркистон маданияти истиқбол сари кенг йўл олсин! «Гўзаллик дунёни кутқаради».

Қирғизистон Республикаси Президенти  
Аскар АКАЕВ.

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МАДАНИЯТИ АНЖУМАНИ» ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Тожикистон Республикаси давлати ва ҳукумати «Марказий Осиё мамлакатлари маданияти анжумани» иштирокчиларига самимий табрик ва кутлов йўллаб, унинг ишига муваффақият ва зафар тилайди.

Ишонамизки, ушбу анжуман Марказий Осиё минтақасидаги халқларнинг илму маданияти, адабиёти ва маънавиятини яқинлаштириш борасида жуда муҳим ва самарали қадам бўлади.

Халқларимиз асрлар оша бир минтақада биргаликда яшаб, бир-бирларининг илмий ва маданий ютуқларидан баҳра олиб, жаҳонга минглаб олим шуoirлар ва буюк мутафаккирлар етказиб берган.

Илм ва маданият азалдан халқларимизни яқинлаштирадиган ва дўстлаштирадиган муҳим омил сифатида хизмат қилиб келган ва бу вазифани келажакда ҳам бажаражак.

Биз «Марказий Осиё мамлакатлари маданияти анжумани» иштирокчиларининг минтақадаги мустақил давлатларнинг ўзаро манфаатли ва беғараз ҳамкорлигини кенгайтириш, тинчлик ва орайшталликни мустақамлаш, халқларимизнинг асрлар оша қўлга киритган маънавий ютуқларини қайта тиклашдек олий мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Эзгу тилаклар ила,

Имомали РАҲМОНОВ,  
Тожикистон Республикаси Президенти.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА ДАВЛАТНИНГ ИЖТМОИЙ ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болалар тўғрисида давлат гамҳурлигини кучайтириш мақсадида:

1. 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга бериладиган ҳар ойлик нафақалар кўпайтирилиб, бу нафақалар болаларнинг сонига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:
  - бир болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 30 фоизи;
  - икки болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 60 фоизи;
  - уч болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 80 фоизи;
  - тўрт болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 100 фоизи;
  - беш ва ундан кўпроқ болали оилаларга — энг оз иш ҳақининг 120 фоизи;
2. Болали оилаларга нафақалар оширилиши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ҳисобидан қоплансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида» 1995 йил 27 мартдаги Фармонининг 1-банди 1996 йил 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 20 ноябрь.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ БОСҚИЧИ

Амалий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Молдова Бош вазири А. Сангели бошчилигидаги делегация аъзолари билан Бош вазири А. Муталов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси ўртасида 21 ноябрь кунин музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора мустақамлашиб бораётгани кайд этилди. Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун тўла ҳуқуқий асос яратилганини таъкидладилар. Бунга мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг шу йил март ойида Молдова Республикасига давлат ташрифи чоғида асос солинган эди. Ушбу ташриф довомида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга омил бўлувчи талай ҳужжатлар имзоланган бўлиб, улар бугунги кунда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Музокараларда Ўзбекистон билан Молдова ўртасида иқтисодий, маданий ва

бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масаласи музокаралардаги бош мавзулардан бири бўлди.

Учрашув якунида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бош вазирлар А. Муталов ва А. Сангели Ўзбекистон билан Молдова ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш ҳақидаги битимга имзо чекдилар. Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда халқаро автомобил қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларни эса Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов ва Молдова Бош вазири ўринбосари В. Кунев имзоладди.

Музокаралар чоғида Молдованинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Н. Дудзу ҳозир бўлди.

Молдова ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга амалий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

## ҚАРДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚУТЛУҒ ҚУРУЛТОЙ



21 ноябрь кунин Тошкентдаги мухташам «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар вакилларининг қурултойи тантанали равишда очилди.

Қурултойи унда иштирок этиш учун келган қардошларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари вакиллари бўлиши таниқли адиблар, олимлар, маданият ва санъат арбобларининг улғу мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, буюк бобоқалонимиз руҳини ёд этишдек ибратли зиёрат билан бошлангани беҳиз эмас. Зотан, ҳазрат Навоий бундан 600 йилча илгари кўхна турон замини халқлари маданиятларининг муштараклигини, тарихи ва тақдирини узвийлигини тараннум этган, ана шу ҳамжиҳатлик ва муштараклик гоёларини тарғиб қилган улғу башоратгўй сиймоидир.

Қурултойни ташкилот қўмитасининг раиси, таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг қурултойи қатнашчиларига табриқлари ўқиб эшиттирилди.

Қурултойда анжуман ташкилот қўмитасининг раиси Чингиз Айтматов маъруза қилди.

— Биз Тошкентга ўзимизнинг ташвиш ва муаммоларимизни, орзу ва истакларимизни, энг яхши нияту режаларимизни биргаликда, баҳамжиҳат муҳокама қилиш учун, қолаверса, Марказий Осиё минтақаси замонавий маданиятининг бугунги аҳволини таҳлил этиш ҳамда ягона бир фикрга келиш,

ибратли хулосалар чиқариш учун тўпландик, — деди Чингиз Айтматов. — Сўнгги пайтда Марказий Осиё деб атала бошлаган маҳобатли ҳудуд нафақат жўроғий, балки тили, дини, тарихи ва келажакнинг яхлитлиги жиҳатидан ҳам ягона ва бир бутун макондир. Бизни олист тарихдан ташқари совет тузуми даври билан боғлиқ тақдиримиз ва бу собиқ тузумдан орттирган муаммоларимизнинг умумийлиги ҳам бирлаштириб туришни унутмаслигимиз керак.

Ч. Айтматов бу улкан муаммоларни минтақа халқлари фақат биргаликда, баҳамжиҳат ва аҳил бўлганликларидегагина ҳал қилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Марказий Осиё маданият арбобларининг бошини қовуштириш сари кенг йўл очган бугунги Тошкент қурултойининг аҳамияти жуда каттадир.

Маъруза юзасидан қурултойи делегатлари — Ўзбеки-

дай қилиб, Марказий Осиёда минтақа маданияти ва санъат ривожига ҳисса қўиш учун бел боғлаган янги бир тузилма — ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилот дунёга келди.

Делегатлар ассамблея раҳбарлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз бердилар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президент этиб сайланди.

Қурултой аҳли Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаатнома қабул қилди.

Анжуман сўнгида беш республика санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

**СУРАТЛАРДА:** форумнинг тантанали очилиш пайти ва иштирокчиларидан бир гуруҳи.

Р. Нуритдинов (ЎзА) олган суратлар.



## КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун — умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг маж-

лис бўлди. Унда тегишли вазириликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди. Мажлиси Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабев бошқарди.

Республика парламенти 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон Конституциясини қабул қилган эди. Жаҳон экспертлари ҳоласига кўра, энг мукамал конституциялардан бири бў-

ган ҳаётимиз қомуси ватанимиздаги туб ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мажлисда Конституциямиз қабул қилинган кунни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, барча вилоят-

ларда юқори савияда ўтишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисида Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Мажлис Раиси ўрин-

босари А. Қосимов, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Фуломов, С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов қатнашди.

(ЎзА).

# ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Сўз — қурултой қатнашчиларига

## АЗАЛДАН ҲАМКОР, АЗАЛДАН ЕЛКАДОШМИЗ

**ТОШКЕНТДА ўтаётган «Туркистон халқлари маданияти форуми» биринчи қурултойи очилиши олдидан «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири анжуманининг бир неча иштирокчилари билан суҳбатлашиб, ўз фикр - мулоҳазаларини билдиришни сўради. Қуйида форум қатнашчиларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Вафо НАЗАРОВ,**  
Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Тожикистон Республикаси Рассомлар уюшмаси раисининг ўринбосари:  
— ЭНГ АВВАЛО, Марказий Осиё халқлари тарихида катта ўрин тутувчи шундай ажойиб тадбир ташкилотчиларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Шубҳасиз, бу форумнинг Туркистонда яшовчи ҳар бир киши учун аҳамияти беқиёсдир. Мен сезинган ажойиб шахрининчи қурултойи келажақда яхши самаралар беришига ишонамиз.



**Болот БЕЙШЕНАЛИЕВ,**  
Қирғизистон Республикаси халқ артисти:  
— **ЎЗБЕКЛАРДА** яхши бир халқ мақоли бор: «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом!»— дейдилар. Шу нуқтаи назардан мен ўзбек халқи олдидан умрбод қарздорман, дейишим керак. Чунки, мен беш йил давомида Тошкентда яшаб, Островский номли театр ва рассомлик санъати институтида тахсил олганман. Уша даврлардаёқ бу халқнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги, бағрикенглигига амин бўлиб, умрбод бу ерда кечган даврларимни энг яхши хотиралар билан ёдга оламан. Шу-шу Ўзбекистон билан mening ҳаётим чамбарчас боғлиқ ҳолда давом эътипти. Бугунги кунда кино санъати соҳасида неки муваффақиятларга эришган бўлсам, бари мана шу ерда олган билимларим, орттирган тажрибаларим самараси деб биламан.



Институти тугатган йилим, орадан озгина муддат ўтгач, «Ўзбекфильм»да суратга олинган «Ойпоқ лайлақлар» фильмида илк бор бош ролни ижро этганман. Ана шу даврдан буён «Ўзбекфильм»да жуда кўп

фильмларда суратга тушганман. Жумладан, «Чинорлар», «Кизилқум», «Кўрқув билмай» ва яна бошқа қатор фильмларда яратган образларим мен учун жуда қадридлидир. Шунинг учун бўлса керак, ўзбек томошабинлари ҳам мени яхши билдилар ва бу заминда бўлганимда ўз кадрларидек қарши оладилар. Ҳатто, юқоридаги фильмлар суратга олинган Хоразм, Бухоро томонларда бўлганимда ҳам кўпчилик мени «Миршаропов» деб таниди. Бу, албатта, мен учун эҳлими.



**Нурқул НУСУРПЖОНОВ,**  
Қозоғистон Республикаси халқ артисти:  
— **АЗАЛ-АЗАЛДАН** Туркистон халқларининг дили бир, тили бир, халқ оғзаки ижоди, фольклори муштарак бўлган. Лекин, узоқ йиллар собиқ иттифок даврида бу халқлар ўзининг миллий анъаналарини, урф-одатлари, ҳатто, тилини йўқотиш даражасигача етиб қолган эди. Жумладан, биз ҳам.



Тарихий анжуманингиз Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равнақ топтириш ва дунёга ёйиш сари қуйилган дадил қадамдир.

Ислом КАРИМОВ.

## БИРИ БИРИГА УСТОЗ, БИРИ БИРИГА ШОГИРД

ҚИШЛОҒИМИЗДА кўп миллат вакиллари яшайди. Бу ерда ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, қирғиз ва тожиклар ҳам, турк ва татарлар ҳам бор. Уларнинг барчаси бири-бири билан иноқ ва аҳил, ўзаро қадрдон. Ўзбек қозоққа пахтачилик ва деҳқончилик илмини ўргатган бўлса, қозоқ ўзбекка чорвачиликдан устозлик қилган. Ана шу сабаб ҳар бир миллат кишилари ўртасида ўз касбининг муҳир усталари, тажрибакор ғаллакор, пахтакор, чорвадор ва соҳибкорлар кўп.



**Сайд АҲМАД,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:  
— **БУГУН** қадим Турон заминида катта тарихий воқеа — Марказий Осиё халқлари дўстлиги ва қардошлиқни мустаҳкамлаш, муштарак анъаналаримиз ва маданиятларимизни ривожлантириш борасида янги қадам қўйилмоқда. Хусусан, бугунги қурултой мазмунан ва шаклан ниҳоятда зарур тадбир, деб биламан. Чунки, Туркистон халқлари маданияти сўнгги бир ярим минг йилдан буён ҳамкорликда ривожланиб келган. Хусусан, қозоқ оқини Абайни, қирғиз адиби Чингизни бугун деярли ҳар бир ўзбек китобхони яхши билади. Ёки Алпомиш, Гурўли сингари халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман учун ҳам бирдек танишдир. Халқларимизнинг мана шундай қадимий бирдамлигини давом эттириш, санъати, маданиятини жаҳонга танитиш борасида зиёлиларимиз, адибларимиз, умуман, маданият ходимларининг бугунгидай учрашувлари ниҳоятда зарур деб биламан.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Туркистон — умумий уйимиз» деган ширини оғза сурди. Дарҳақиқат, бу заминда азал-азалдан яшаб келган халқларнинг тили бир, дини бир, урф-одати, анъанаси бир, умумий бир уйда яшаётган биродар ва аҳил, ҳамжиҳат халқлардир. Биз ҳаммиса ана шу анъанага риоя қилиб яшаб келдик. Ва бундан факат барча халқлар манфаатдор бўлмоқдалар. Бугун мамлакатимизда «Туркистон халқлари маданияти форуми» биринчи қурултойи ўтказилар экан, бу тадбир ҳам халқлар дўстлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминдир. Зеро, ҳаммамизнинг дилимиз — заманимизда йил — ўн икки ой тер тўкиб, меҳнат қилиб етиштирилган ва сарамжонлаб олинган оқ олтинимиз сингари пок ва мусаффо, бегубдордир.

Хўжалигимиз 890 гектар майдонда пахта етиштирди. Мамлакатта 2430 тонна ҳосил топириб, режани бажардик. Эндиликда пахтачилик илмини обдон ўрганиб, тажрибали деҳқон номини олган Қурбонбек Исабеков, Олмасул Медедова, Жаҳид Ҳалметов, Омон Ансатов каби бригада бошлиқлари энг кўп кирмон уйдилар. Меҳаник ҳайдовчилардан Толтибжон Мирзаевлар, Укибой Қаршибаев, Орақбой Нишонов, Бахтиёр Жасабевларнинг ҳар бири машиналари билан 120-180 тоннадан ҳосил териб бердилар.

Хўжалиқнинг бошқа соҳалари бўйича ҳам режалар удаланди. Ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, мева ва сабзавот етиштириш топириқлари ҳам бажарилаётди. Ҳа, бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлган меҳнатқаш халқимиз каби норимиз бор экан, юқимиз ҳеч қачон ерда қолмайди!..

**Ўсқанбой ЮНУСОВ,**  
Қўйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

## ДЎСТЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

ЖАМОАМИЗНИ байналмилал, деб юриштилади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу ерда ишлаётган турли русумдаги оғир юк автомобилларини бошқараётган ҳайдовчилар орасида қайси миллат вакили йўқ, дейсиз. Бир бошдан санайдиган бўлсангиз, улар йитирмага яқинлашиб қолади.

Бизда Марказий Осиёда қадим замонлардан бери ёнма-ён, куда-анда, уруғ-аймоқ бўлиб яшаб келаётган, туркистонлик деган муштарак ном билан тарих саҳифаларида қай этилган халқлар вакиллари меҳнат қилмоқдалар. Ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ва бошқа миллатга мансуб транспортчиларимиз қўли-қўлга бериб, елкадош бўлиб ишламоқдалар, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига мададкор, ҳамнафас бўлмоқдалар, бир-бирларининг оғирини енгли, мушкулени осон қилмоқдалар.

Бизнинг Ҳайдовчиларимиз Ангрэн-Олмалик ҳавзасидаги деярли барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар юқини белгилаган манзилларга етказиб бериб, уларнинг мушкулларини осон қилиштиради. Мен ўзим тожик халқи фарзандиман. Шу корхонада узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаяман. Ҳозир эса жамоага бошчилик қиляпман. Бу менга биринчи бўлиб қилган катта ишончдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, Туркистон бизнинг умумий уйимиз. Унда хотиржамлик, оқилоллик доим ҳўкм суриши учун унинг қадимги халқлари бири-бирига доим ҳамкор, аҳил ва иноқ бўлиши лозим. Шундай бўлганда қудратли кўчга айланамиз.

Кеча Тошкентда ўз ишини бошлаган Туркистон халқлари маданият форумининг биринчи қурултойи ҳам, шубҳасиз, минтақа халқларининг янада яқинлашишига, ўзаро алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунинг учун жамоамиз бу анжумани катта қизиқиш билан кўтиб олди. Олийжаноб макссадларни ўз олдига қўйган бу қурултой ишига муваффақиятлар тилаймиш. Туркистон халқларининг ҳар соҳадаги яқдрилигини кучайтиришга ёрдам берувчи бундай анжуманлар тез-тез бўлиб туриши тарафдоримиз.

**Анорқул СОБИТОВ,**  
Ангрэндаги 72-автокорхона директори.

## ҚОЗОҒИМ ВА ЎЗБЕГИМ

(Ушбу сатрлар Ўзбекистонда ўтаётган Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали кечада қозоғга туша бошлаган эди...)

Қозоғим, мен айтмай тазрифингни,  
Мақтовингни, жасоратингни, тарихингни.  
Ўзбеким деб тўлиб-тошиб келдинг бугун,  
Аён айлаб дўстлигингни, ёрлингингни.

Бугун юртим анг-жир\*ларга тўлиб қолди.  
Ўзбек-қозоқ ана яқин бўлиб қолди,  
Иккимизни ажратмоқчи бўлган ёнинг,  
Бугун ичка-боври кўйиб-қўйиб қолди!

Тарихларда қандай кунлар кўрган эдик,  
Қозоқ-Ўзбек битта давра кўрган эдик.  
Тошкент билан Олмаоғга қўл узатса,  
Бугунгидай ақинингни билмаб эдик!

Шул сабабдан ўтмишингни ўйлай кетдим,  
Боболарнинг сўзларини сўзлай кетдим.  
Шу бугунги дийдор, қувонч, дўстлик учун,  
Юртбошилар донолигини қуйлай кетдим!..

Ўзбек-қозоқ бир нонни тенг бўлган экан,  
Бир ўтовда ўйнаб-ўсиб келган экан,  
Икки юз йил буяндан аввал Шал оқининг,  
Ўзбекини мактаб шундай деган экан:

«Айтйини тўксон боили тўр ўзбеки,  
Замонидан мол битган зўр ўзбеки,  
Пайгамбарнинг дуоиси теккан дейди,  
Шунинг учун бойган мўл ўзбеки.

Тиласа берар тилак бир худойдан,  
Урта юзда хон ўтмас Абилайдан...»  
Шал оқининг айтганлари ўрнак бўлди,  
Мен ҳам мадад тилаб қолдим шул бобойдан!

Бобларнинг руҳи дилга қувват солар,  
Қалб ва қалам оқинлардан илҳом олар.  
Энди қозоқ мактовини мен айтйини,  
Тинглаб турсин ёру осмон, кенг дунёлар!..

Қозоқ деган қандай халқдир — мен биламан!  
Унинг бағрин сарқоғлардан кенг биламан,  
Қозоқ қалби юлдўз билан сирлашади,  
Бийиклигин Олатоғга тенг биламан!

Қозоқ-ўзбек бири-бирига қондош эрур,  
Садоқатли, оқибатли жондош эрур,  
Дунё буйлаб донг таратган буюк қозоқ,  
Ўзбек билан тилдош, диндош, рангдош эрур!

Тинланг, дўстлар, сизлар икки қулоқ билан,  
Ўзбек деган битта халқдир қозоқ билан.  
Агар ўзбек тўй бошласа — Қозоқ келар,  
Туркман, тожик, қирғиз, қоракалпоқ билан.

Мен Ўзбекман, суяниққа сен — тоғмисан,  
Бормисан, сен, қошу қўзим, қарогимсан.  
Тарихларнинг тор, қоронғи йўлларида  
Етақлашган миллион йиллик қозоғимсан!

Сен ҳам мени ўз оғам деб айтасан-ку,  
Ога ден иззат-иқром этасан-ку.  
Ўтов тўла меҳмон бўлса, қўй қалласин  
Энг аввало ахир менга тутасан-ку!

Дўстлигимиз бугун эмас, кеча эмас,  
Минг асрлар нариёғидан берар сас.  
Минг йилларни айтмай турай, ўттиз йиллик  
Бир даврани тилга олай мен бу нафас...

...Мухтор, Ойбек, Собит, Ғофур, Миртемирлар,  
Туркий тилининг зарғарлари, доно эрлар,  
Бир-бирини кўрмаса — ҳеч туролмассан,  
Ой оширмай дийдорлашар экан улар.

Хангоғмалар, айтмушлар, хизар экан,  
Ғофур ота тўхтовсиз байт тизар экан,  
Ёшлиқдаги шўхликларни тилга олиб,  
Узиялган ичакни ҳам узар экан.

...Шоир, адиб жамланган кенг давра экан,

Суҳбат қизган, ҳамма меҳмон ичган, еган.  
Бир маҳаллар Ғофур ота тикланган, ва:  
— Ҳой, дўстим, сен тур ўринингдан, қани! — деган.

Собит ога «менми?» деб бўлган хайрон,  
Аланглаб ҳам қараб қўйган ўён-буён,  
Ғофур Фулом хайқирибди:  
— Азиз дўстим,  
Жон қозоғим, ўринингдан тур, Собит Мухон!

Собит Мухон тоғдай бўлиб тикка турган,  
Ғофур ота кучоқ очиб унга юрган:  
— Биродарлар, мен васият айтмоқчиман,  
Жим ўтириб эшитинглар! — деб буюрган.

— Собитим-ов, тингла менинг айтар сўзим,  
Ғувоҳ, мана, бунда барча қора қўзим.  
Васиятим шундир менинг: агар ўласан,  
Жасадинми лаҳад ичра жойла ўзинг!

Сендан тилак, васият шу, билиб қўйгин,  
Суюгинга ботар тошини суриб қўйгин,  
Дўстим, қўлинг юшюк теғар жасадинга,  
Оқ юзимини қилба томон буриб қўйгин!..

Ғофур ота сўзин тамом қилгани он,  
Торак каби котиб қолган Собит Мухон,  
Мўлтир-мўлтир қараб чиккан меҳмонларга,  
Ва... дўстини кучоқлаган ўша замон!

Иккита алп қаттиқ кучиб-қўришганлар,  
Юзларини юзларига қўйишганлар,  
«Вох, боврим-ов, қароғим! — деб бири-бири,  
Эгиз қўйдай ялаб-ялаб суюшганлар.

— Ўзбеким-ов, манов гапинг ошиб кетди,  
Эшитдим-у, тиздан қувват қочиб кетди,  
Менга азиз суюгингни ишонганда,  
Қўнгим эриб, қоним-жоним жўшиб кетди!

— Ғофур! — дебди кўзи ёшли Собит ога,  
Шу васият, шу сўзинга жон садак!  
Лаҳад ичра жойла ўзинг жасадининг,  
Сендан олдин кетар бўлсам мен уёқай!..

Иккита алп ана кучиб қўришганлар  
Юзларини юзларига қўйишганлар,  
«Айлабайин, азизим!» деб бири-бири,  
Эгиз қўйдай ялаб-ялаб суюшганлар.

Икки уммон, икки қон, эгиз қўзи,  
Бир-бирига ёрлик бўлган сўнгги сўзи,  
Суюқларни ишонинган икки дўста,

Қараб сира тўймаган ҳеч инсон кўзи!..  
О, устозлар, шундай яшаб ўтдингизлар,  
Дўстлик туғини шунча баланд туздигизлар.  
Сизга ҳавас қилмоқ керак, чир бўйи  
Авлодларга ўрнак бўлиб кетдингизлар!..

Қозоқ боврим, фотиҳага қўлни қўтар,  
Китобларни варақлаб кўр, рости айтар,  
Бобом, момом деб ёш тўксанг қабристонда,  
Ушал жойда менинг бобом, момо ётар!

Душман, бизни гафлатга гарқ ботсан! — деган,  
Зўринг шулдир — бир-бирингни отсан! — деган,  
Бошимиздан ағдарилган қаттол тузум  
Иккимизни икки бўлиб, «ётсан» — деган!

Не савдолар солди ахир ўтган даврон?!  
Биз тикланган ўрдларини қилди вайрон?  
Қурбон бўлган фарзандларни эслаб бугун,  
Юракларда минг ҳасрат бор, минг пушаймон.

Зоялим бўрон юлдузларни юлмадимми?  
Қутлуг қондан тарих қизил бўлмадимми?  
Мағжон, Аҳмад, Шокаримлар, Жусупбеклар  
Эрк, озоғлик, ватаним деб ўлмадимми?

Бошимиздан энди туман қўчгани рост.  
Ҳасрат тутаб, мунгли саслар ўчгани рост.  
Бугун сенинг дийдорингдан бағрим эриб,  
Рухим жўшиб, қўнларда шод учгани рост!

Қозоғим, мен айтмай ўтдим тазрифингни,  
Мақтовингни, жасоратингни, тарихингни.  
Ўзбеким деб тўлиб-тошиб келдинг бугун,  
Аён айлаб дўстлигингни, ёрлингингни.

Ўлжас, Мухтор, Роза, Эрка, Қодирларим,  
Сўзи, сози санъат аро нодирларим,  
Сизни тинглаб, қўзларинга бошлар тўлсин,  
Жоним яйраб, тортаверсин томирларим!

Улуғ бобом — Ҳўжа Аҳмад мадад бергай,  
Навоий ва Абай руҳи хуррам юргай,  
Ўзбеким ва қозоғимнинг қамолони,  
Ривожини хайрон бўлиб жамон кўргай!

Дўст меҳридан ёруғ бўлсин уйим ҳар чок,  
Насиб бўл, қайнаб турсин қозон-ўчоқ,  
Нурдай балкиб замонларнинг кўзгусида:  
Бор бўл, соғ бўл, жон-жигарим-улуғ Қозоқ!!

Музаффар АҲМАД.

\*Анг — қўшиқ жыр — қуй.



БАСТАКОР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Хамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида таъкилли созадан ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Тўхтасин Жалилов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда мухасшига олимлар, пойтахт театрлари артистлари, бастакорлар, хонандо созаданлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Анжуманда сўзга чиққанлар санъаткорнинг республикада мухасши драмани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчилари ва талабалари ижросида Тўхтасин Жалилов яратган куй ва қўшиқлар янгради.

МУНАВВАР ҚОРИ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Бу саволга ҳали ҳануз ҳамюртларимиз жавоб тополмай доғда эдилар. Истиқлол учун тоғлар курашчи, фидокор элининг истибод қурбони бўлганлиги маълум эди-ку, лекин унинг аянчи тақдирини халқимиз аниқ-равшан билмасди.

Сталинча тоталитар тузум эса тарих ҳукмидан қўрқар, бундай эрксевар инсонлар ўлимидан кейин ҳам унга қўрқинчи туйиларди. Шу сабабли улар эл-юрт қўзидан яширин равишда ер қаьрига тикилганди.

Яқинда чоп этилган «Ҳаяжонли замоналар» («Тревожные времена») китоби бизга ҳақиқатнинг тагига етишга бир қадар ёрдам берди. Китоб муаллифи Халқаро ахборот академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ражаб Исламбекдир. Маъшур олим ва таниқли каламкаш юқоридаги ном билан билган романида ҳужжатли далиллар асосида кўпгина тарихий воқеаларни баён қилиб берган. Муаллифнинг маълум қилишича Мунавар қори Абдурашидов 1931 йил 23 майда Москвада отилган ва яширин равишда Ваганка қабр-ристонига қўйилган. Бу ҳақиқатни муаллиф «Вечерняя Москва» газетасига таяниб айтди. Газета ўзининг 1992 йил 25 май сонидида Сталин қатағонида унраганлар рўйхатини эълон қилган. Улар орасида Мунавар қори Абдурашидовдан ташқари ҳамшаҳарларимиз Нажмиддин Шорахмедов, Тангрикул Максудов, Салимхон Тиллахон, Саид Ахоррийлар ҳам бор. Улар аксиникилибий фаолият билан, энёнашлик, кўпроқчилик ишлари билан шугулланганлиги айбланганликлари. Ваҳоланки, улар ҳақиқий маърифатпарвар, эл озолиғи учун белни астойдил боғлаган кишилар эди. Москва газетаси ўша сонда уларнинг суратлари ва қисқача таржimai холларини бериб, эндиликда бутунлай оқланганикларини ёзган.

Биз истибод қурбонининг аянчи тақдир ҳақида 65 йил ўтган билиб турибмиз. Эндиликда истиқлол учун тоғлар курашчининг ўзга юртларда ётган қабиридан муқаддас тўпроқ кетрилдибу, у яшган ва ижод қилган азият ватанда муносиб тарзда дафн этилса мақсада мувофиқ бўлур эди. Эҳтимом унинг жойи тарихий Шах Ховандий Тоҳурда ётган азиз-авлиёлар қабри ёнида бўлар. Эрк ва маърифат йўлида жонин қурбон қилган инсон зияратгоҳи шубҳасиз халқимизнинг севган қадимжосига айланарди.

(Ў.А.)

Соат МУСАЕВ.



МАНА эрта баҳорда старт олган республикада IV миллий футбол чемпионати ҳам маррага етиб келди, десак бўлади. Сиз билан биз кини кунларда, яъни 10 декабрда мавсумнинг энг сўнгги ва қизиқарили уйинини томоша қиламиз. «Пахтакор» марказий уйингоҳида бу йилги мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган «Нефтчи» ва Кубок эгаси бўлган «Навбахор» ўртасида «қўлчиларнинг қулиси»ни аниқлаш учун уйин бўлади. Утган дам олин шун эса Марказий уйингоҳда МХСК ва «Навбахор» командалари ўртасида Кубок унвонини бўлиб ўтди. Маълумки ана шундай биллур соғина бахсларнинг биринчилиги омад наманганликларга қўлиб боққан эди. Бундан ташқари «Нефтчи» ҳам, «Пахтакор» ҳам Кубокни қўлга киритишга муяссар бўлганди. Тўртинчи марта ўтказилган кубок бахслари финалида «Навбахор» яна 1:0 ҳисобида устун келди. Ягона тўли учрашувининг 50-дақиқасида Алексей Винников киритди.

Агар аввалги мамлакат биринчиликларида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси яқна ҳукмронлик қилган бўлса, бу йил уларга МХСК ва Наманганнинг «Навбахор» жамоалари муносиб рақиб бўлдилар. Утган чемпионатда қўлуш совринга Бухоронинг «Нурасфшон» клуби эришганди. Бу мавсумда эса «Нурасфшон»нинг ўйинчилири, мухлислари интизомсизлик қилишгани учун чемпионат ўйинларидан четлатилди. Агар бундай нуқоти ҳол содир бўлмаганда сўзсиз бу жамоа ҳам медалларга даъвогарлик қилган бўларди.

Бу йилги мавсумнинг аввалгилиридан фарқи шунда бўлди, энг сўнгги турча биринчилик мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб турди. Яъни охириги учрашувларига олин медаллар кимга-ю, қумуш ва бронза медаллар кимга тегиши жумбоқлигига қолди. Енгил атлетикачилар ибораси билан айтганда «Нефтчи» финишига рақибларига қараганда бир сониягина олдин етиб келди, холос. «Нефтчи» ўтган мавсумда 51 очқо тўплад, иккинчи ўринни эгаллаган «Нурасфшон»дан 7 очқо ўзиб кетган ва анча барвақт чемпионлиги унвонини қўлга киритган бўлса, бу йил МХСК ва «Навбахор» охириги учрашувларига чемпионлиққа умидвор бўдилар. Фақат тажриба ва маҳорат, кучни тўғри

МАҲОРАТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон IV миллий биринчилиги якунлари ҳақида мулоҳазалар

- Кураш сўнгги учрашувларгача давом этди
• Халқаро футбол федерацияси президенти ўзбек футболчиларига соврин берди
• Бири олағ босди, иккинчиси тарк этди
• Уч очколик ҳисоб-китоб афзалликлари
• Мухлислар орзиқиб кутган кунлар келади...

тасини ютказиб иккитасини дурдан қилган «Политотдел» жавабда охириги ўринда қолди. Жамоа бошлиғи В. Бондоренко, етакчи ўйинчилардан Олег Шацких, Алексей Винников ва ана бир неча футболчилар билан ҳайрлашишга тўғри келди. Ана шундай қийин ва оғир дамба жамоани қабул қилиб олган Рустам Мирсодиқов қисқа фурсатда футболчилар кўнглини кутаришга, жамоани галабага ишон руҳида ҳислалаштира олишга муваффақ бўлди. Бир сўз билан айтганда янги мураббий ўйиндан-ўйинга жамоани аста-секин юқорига олиб чиқиб беради. Аяниқса «Политотдел»нинг Тошкентда энг кучли жамоалардан ҳисобланган МХСК билан бўлган учрашув ва 2:1 ҳисобида эришган муҳим галабаси қишлоқ футболчиларига олағи силжиш учун муҳим туртки бўлди. Якуновли жавабда «Политотдел» кучли ортиликдан жой олиб мухлислар ишончини оқлади.

Иккинчи вақилимда «Чирчиқ» эса бу йил ниҳоятда бўш ўйнаб, олин табақани тарк этди. Чирчиқликлар Кўкониинг «Темирбулғун» жамоаси билан келаси мавсум биринчи табақадан ўйнайдиган бўлишиди. Улар ўрини Ургенчининг «Динамо» ва Косонининг «Кучшон» жамоалари эгаллашади. Мамлакат биринчилигининг биринчи табақасида иштирок этган Бўстонлиқнинг «Газалект» жамоаси умумий 7-чи, Қўбрайнинг «Маданият» футболчилари 10-ўринни эгаллашади.

Бу йилги мавсум ҳақида фикр юритар эканмиз, Ўзбекистон терма жамоасининг Афро-Осий Кубоғи учун Нигерия терма командаси билан ўтказган халқаро ўйинига тўхтамай бўлмайди. Утган йил АКШда бўлиб ўтган жаҳон футбол чемпионати финалида мухлислар-у, мутахассислар эътиборини қозонган, ўзига хос янгилик очган Нигерия жамоаси билан деярли тенг беллашган олган футболчиларимиз маҳорати орталлигини айтиб ўтиш жоиздир. Тошкентда ҳам, Лағосда ҳам ўзининг чиройли ўйинлари билан мафтун этиб келётган Миржалол Қосимов билан гурунрамай бўладими? Бу футболчиларимиз хар иккала учрашуда энг яхши ўйинчи деб тан олинди. Лағосда эса халқаро футбол федерацияси Президенти Ж. Авеланг қўлидан Миржалол Қосимов билан бирга пахтакорли дарвозабон Павел Бир

ШАРОФ УМУРЗОҚОВ, «Тошкент ҳақиқати» нинг спорт шарҳловчиси. Қўлида олин табақа жамоаларнинг 1995 йилги учрашувлари ва якуний турнир жадалини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

СИРАН ХАТ

Бу хатни Тўйтепадаги «Гуландом» универмағига қиравертишдаги ашиқ олдидан топиб олдим. Кўк дафтар ерда ётарди. Уткинчилар унга бепарво. Қўлимга олдим, ўқиган вақт бўлмади. У иш столида анча мўддат туриб қолди. Яқинда қўлга олиб, ўқиб бошладим.

«Салом Шаҳодат! Ўша кунни яхши етиб олдингми? Мендан хафта бўлмадингми? Тўйдан кейин идиш-товоқ юваётганимизда сенга дағал гапириб юбордим, кечир. Ўша кунни сен жеркиб ҳайдаган қўшимизнинг ити менинг, аниги жиянинг Улма-сойнинг хаётини сақлаб қолди. Бунинг тарихи узун...

«Хаёт чорраҳаларида» Дилмурод тез кунда уйла-нишини айтди. Мен ишондим. Йўқ, ундай бўлмади. У хар-би хизматта отланди. Мен дадала ишладим. Баҳор кунлари эди, бирадамизга қирдан чим олиб келинди. Бўйимда бўлиб қолганини ҳеч ким билмасди, билдирмасдим. Машинадаги чимни туширишга иккиламиз турганимизда шифернинг пўписаси билан мен ҳам унаиб кетдим. Кечкурун ўзимни ёмон ҳис қилдим, сир ошкор бўлишидан қўрқдим. Шайтоннинг гапига кириб, ягона йўл — болани йўқотиш хаёлимга келди. Тонг сахар

Тогамнинг ўғли Бобурни армияга кузатиш кечасида

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обунага, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида қантантия берилмади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириганингизда қарточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадаллидаги қондаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганда, ойлариинг катакларини ва «ПВ-ЖОИИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиринг.

Агар телевизор чирсиллаб турса дарҳол ўчиринг. Чунки унинг юқори қулавиини қисми ишдан чиққан бўлади.

Кўйган резина хиди бурқиб, ўқун чиқатган телевизорни дарҳол ўчиринг. Акс ҳолда бир неча минут ичида ўқун ўт чиқиб, ўйингиз ёниб кетиши хеч гап эмас.

Телевизорингиз ёниб кетса нима қилиш керак? Биринчидан шунини электрдан ўзиб қўйинг. Иккинчидан, телевизорни қалин, ҳўл мато билан қопланг ва дарҳол сувга югуринг. Шамоллатиш тешигиндан ўқун ичига сув қуйинг. Шу пайтда кинескоп портлаб кетди-ку, деб ўйланманг. Кинескоп портлайдиган бўлса, ўқун телевизор ичидаги шишаси юпка жойидан ёрилади. Бу эса унчалик хавфли эмас.

Table with 16 columns (ЖАМОАЛАР 1-16) and 16 rows (1-16) showing match results and statistics for various football teams.

Қавс ичидаги ҳисоблар техник галаба ёки мағлубиятни билдирди.

«МОЛDOVA ҲАМКОРЛИККА ЧОРАЙДИ»

Маълумки, шу йил баҳоридаги республикада Президентининг Молдова Республикасига ташрифидан бу икки қардош халқ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамла-нишга хизмат қилди. Ташриф давомида Молдова ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари ўзаро алоқаларни хар томонлама ривожлан-тириши, ишбилармон доираларнинг биргаликда яқиндан иш олиб бо-ришлари каби муҳим масалаларни ҳам қўриб чиққан эдилар.

Ушбу учрашувнинг илк натижа-ларидан бири сифатида 22-25 ноя-брь кунлари Ўзбекистон Респуб-ликаси Ташки иқтисодий алоқалар ва-зирлиги «Ўзэкспромказ» респуб-лика савдо-қўғма марказида «Мол-давко» халқаро қўғма мар-кази, Молдова Республикаси савдо-кишлоқ ҳўжалиги, савко-овкат вази-рликлари ва «Ўзэкспромказ» РСК2 томонидан «Молдова ҳамкорлиқа чорлайди» қўғмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ўзининг пахтаси, ига-ги, қорақўл терилари, табиий ресу-рслари, иклим шароитлари билан Молдова ишбилармон доираларида

ҳатта қизиқиши уйғотмоқда. Та-биийи, улар мазкур қўғмадаги иккитой натижалар кўтмоқдалар. Қўғмада йўлбар қорхона ва фир-малар иштирок этадилар.

Жумладан, Кишинев трактор за-води, Бельц электромеханика, ме-бель заводлари, «Калараш» вино-коньяк комбинати, Кишинев нон комбинати, Ораев консерва заво-ди, «Фрунзе» қанд ва лимон кисло-таси ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Орхей мебель фабрика-си, «Тора», «Альфа» ҳиссадорлик жамияти, «Карпинець» колхоз-арго-фирмаси ва бошқалар ўзлари иш-лаб чиқараётган ультратовуш цо-фтоқоскоплар, кир ювиш машина-лари, совутигич, муалластик, электон-лиқ ҳисоблаш техникаси, телевизор, те-лефон аппаратураси, мебель, кийим, понафаэл, гилан, чарм махсулотла-ри, ичимликлар, консерва, пардоз ва атторлик боумонлари қўғмаме-хмонлари ҳўкимига ҳавола қила-дилар.

М. ИСМОИЛОВА, «Ўзэкспромказ» РСМК етакчи мутахассиси

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбек давлат эстрадаси ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 29 - 30 ноябрь, 1 - 2 декабрь соат 18.00 да, 3 декабрь соат 14.00 ва 18.00 да «СИЗНИ СЕВМАСЛИККА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ» ДОНИЁР ТОШМУХАМЕДОВ Ўз янги дастурини тақдим этади Чипталар «Халқлар дўстлиги» саройининг кас-салардан соат 10.00 дан сотилади. Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Мурожат учун телефонлар: 44-56-07, 45-92-51.

ТАШКИПОТ КАССА АППАРАТЛАРИНИ (фискал хотирали, кафолатли) СОТАДИ Шунингдек, унда ишлашни ўргатади ва сервис хизмати кўрсатади. Телефонлар: (37-12) 65-06-95, 65-08-24.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИ!

ОЛОЙ БОЗОРИНИНГ МАРКАЗИЙ ҚИСМИДАГИ САВДО МАЖМУИДА СИЗИНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ВА ТИЖОРАТИНГИНИНГ РАВНАҚ ТОПИШИ УЧУН САВДО ВА ОМБОР-ХОНА БИНОЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 1995 йил 1 октябр-да № 131-04 рақамли «ЕКИЛГИ ЧАКАНА НАРХИ» янги нархнома-сини тасдиқлаган. ШУ АСОДА ТАБИЙИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИ ТАРИФИ ЎЗГАРДИ: - Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (домий мар-казлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланган) хонадонларда бир ойига бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — 68 ТИЙИН. - Газ плиталари ва таом пишириш газ ускуналари ўрнатилган (домий мар-казлашган иссиқ сув манбаи билан таъминланган) хонадонларда бир киши учун газга тўланадиган ҳақ — 94 ТИЙИН. - Иссиқ сув билан таъминланган учун газ сув иситкичлари бор (домий мар-казлашган иссиқ сув манбаи ёки вақти-вақти билан ишловчи иссиқ сув манбаи бўлмаган) хонадонларда бир киши учун бир ойига газга тўланадиган ҳақ — 68 ТИЙИН. - Ҳусурий хонадонларни иситиш учун, сув иситиш газ асбоби турига боғлиқ бўлган ҳолда 1 йилда 5 ой иситиш мавсумида 1 м² иситиладиган юза учун газга тўланадиган ҳақ — 41 ТИЙИН. - Уй ҳўйланмига озунга тайёрлаш ва санитария ҳўлати учун сув иситишга кетадиган газга тўланадиган ҳақ: Бир бош ОУ учун — 42 тийин, Бир бош ҚОРА МОЛ учун — 1 сўм 78 тийин, Бир бош ЧўЧКА учун — 94 тийин, Бир бош ҚўЙ (эчки) учун — 16 тийин. - АХОЛИ ШАХСИЙ ТАНДИРХОНА, ОШХОНАЛАРДА ТАБИЙИЙ ГАЗДАН ФойДА-ЛАНГАНЛИГИ УЧУН ТўЛАНДИГАН ҲАҚ КОММУНАЛ-МАШИЙ ҚОРХОНАЛАРГА ҚўЙИЛГАН ЭРКИН КЕЛИШТИЛГАН НАРХ АССОИДА ТўЛАНДИ. Газ сарфланми микдорини газ асбобларининг энг юқори қуввати ва келиштирилган иш тартибига асосланган ҳолда ҳисобланади. Хўрматли ўртоқлар! Сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўловиши Сиздан илтимос қиламиз. Ўзгарган иситиладиган юза, одам ва ўй ҳўйлонлари сонни ҳақдан тўман ёки шавҳар газ идорасига ўз вақтида маълумот беришиңизни сўраймиз. «ТОШВИЛОЯТТАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СИЗ ТАБИЙИЙ ВА СУЮҚ ГАЗГА ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ҚАРАЙСИЗ ДЕГАН УМИДДА-ДИР.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ • Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Мухаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ • Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. • Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48, 33-99-15, 32-57-27.